

## КУТУБХОНАНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ҲАЁТИ



Миллий кутубхона фойесида Ҳусан Содиқовнинг «Ўзбекистоннинг икки ривояти» китоби ва «Ўзбек халқ эртаклари» туркум китобларига чизган суратларининг асл нусхалари намойиш этилди

**Х**урматли муштарий, сизга маълумки, журналимизнинг «Воқеалар» рукни остида Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ўтказилиб келинаётган маънавий-маърифий ва адабий-бадиий тадбирлар билан таништириб келмоқдамиз. Мазкур сонда ҳам Сиз иккинчи чоракда зиё масканимизда ўтказилган ижодий учрашувлар, давра суҳбатлари, китоб, фильм тақдимотлари ҳамда бадиий кечалар ҳақида маълумотга эга бўласиз.

### Апрель

2 апрель куни рассом Ҳусан Содиқов билан ижодий учрашув бўлиб ўтди. Истеъдодли карикатурачи, Ўзбекистон Бадиий Академияси аъзоси, Республика ва халқаро танловлар қатнашчиси Ҳусан Содиқовнинг номи юртимиздаги кулги ихлосмандларига яхши таниш. У одамлар орасидаги иллат ва камчиликларни маромига келтириб ҳажв қилади. Ижодий учрашув давомида Миллий кутубхона фойесида Ҳусан Содиқовнинг «Ўзбекистоннинг икки ривояти» китоби ва «Ўзбек халқ эртаклари» туркум китобларига чизган суратларининг асл нусхалари намойиш этилди.

3 апрель куни Ўзбекистон Миллий кутубхонасида бўлиб ўтган «Ўзбекистон – бизнинг умумий уйимиз» деб номланган ҳужжатли

фильмлар кечасида «Ўзбеккино» Миллий агентлиги буюртмасига кўра, Борис Бабаев сценарийси асосида тасвирга олинган «Агар, сен ҳақ бўлсанг» ва «Феномен узбекской модели» фильмлари намойиш этилди. Фильм режиссёрлари Дониёр Шокиров ва Петр Ройкас. Тақдимот қатнашчилари фильм ижодкорларини ютуқ билан муборакбод этар экан, улар бу мавзунинг нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигига ургу бериб ўтдилар. «Агар, сен ҳақ бўлсанг» фильми режиссёри Дониёр Шокиров фильмнинг яратилиш тарихи ҳақида сўзлаб берди. Учрашув сўнгида «Агар, сен ҳақ бўлсанг» ва «Феномен узбекской модели» фильмлари намойиш этилди. Фильмдан катта таассурот олган томошабинлар фильм ижодкорларига ўз миннатдорчиликларини изҳор этдилар.

6 апрель куни фалсафа фанлари доктори, академик Омонулла Файзуллаевнинг 94 йиллигига бағишланган хотира кечаси ва илмий-назарий семинар бўлиб ўтди. Илмий-назарий семинар иштирокчилари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати, фалсафа фанлари доктори Омонулла Файзуллаевни ёдга олдилар ва унинг Ўзбекистонда фалсафа илмининг тараққиёти ва равнақи йўлида қўшган ҳиссаси ҳақида сўзладилар.





7 апрель куни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият арбоби, режиссёр Маҳкам Муҳаммедов билан «Ўзбек миллий сериали. Ижодий изланишлар ва муаммолар» мавзусида ижодий учрашув бўлиб ўтди. Ижодий кеча таниқли режиссёр, моҳир педагог ва мураббий Маҳкам Муҳаммедов ижодий йўли ва фаолиятига бағишланган «Маҳкамбой» ҳужжатли фильм намойиши билан бошланди. Ижодий кеча самимий суҳбат руҳида ўтди ва иштирокчиларда яхши таассуротлар қолдирди.

8 апрель куни буюк саркарда Соҳибқирон Амир Темур таваллудига бағишланган «Соҳибқирон» номли маърифий кеча бўлиб ўтди. Тадбирда ёзувчилар, тарихчилар, темурийшунос олимлар, Шарқ кўлэмалари маркази илмий ходимлари, театр актёрлари, талабалар, ўқувчилар, кутубхона фойдаланувчилари ва ОАВ вакиллари иштирок этдилар. Сўзга чиққанлар Амир Темурнинг бунёдкорлик ишлари ва илм аҳлига қилган ҳайрихоҳлиги, салтанат мафкураси, гоёси борасида олиб борган сиёсати, унинг бошқаруви ва дипломатик муносабатларига, ҳарбий ҳаракатлари ва ҳарбий маҳоратига алоҳида урғу бердилар. Шунингдек, тадбирда Соҳибқироннинг ободончилик йўлида яратган боғлари, қурдирган иншоатлари, сув каналлари ва кўприклари тилга олинди.

9 апрель куни Ўзбекистон Миллий университети Тарих факультети «Манбашунослик ва архившунослик» кафедраси катта ўқитувчиси Зиёвуддин Жўраевнинг «Мовардийнинг Шарқ давлатчилиги таълимоти (X – XI асрлар)» монографиясининг тақдимоти бўлиб ўтди. Тақдимотда Мовардийнинг сиёсий-ҳуқуқий таълимоти – «Аҳком» асарининг ислом маданиятига қўшган ҳиссаси, унинг давлат ва жамият бошқаруви ҳақидаги социологик қарашлари эътироф этилди.

Мовардийнинг «Ал-аҳком ас-султонийя» китобида давлатчилик шакллари, қонунлари ва бошқарув усуллари бўйича нималар қили-

ниши лозимлиги батафсил баён қилинган.

13 апрель куни «ARI ROLAND JAZZ QUARTET» гуруҳи мусиқачилари билан ижодий учрашув бўлиб ўтди. ARI ROLAND JAZZ QUARTET гуруҳи бадиий раҳбари Ари Роланд йиғилганларга гуруҳнинг шаклланиши тарихи, мусиқачиларнинг мусиқий салоҳияти, джаз-гуруҳи муваффақият билан иштирок этган концертлар ва фестиваллар ҳақида сўзлаб берди. Ижодий кечада машҳур джаз ижрочиларининг асарлари янгради. Айниқса, саксофонда ижро этилган «Андижон полькаси» куйи барчани ҳайратда қолдирди.

14 апрель куни Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Маҳмуд Намозов билан ижодий учрашув ҳамда «Юлдузлар шамоли» ва «Бахшиёна» деб номланган китоблари тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирда ўзбек миллий фольклор кўшиқлари моҳир ижрочиси, ўзбек анъанавий мусиқаси йўналиши давомчиси, хонанда Маҳмуд Намозов ўз мухлисларига журналист Мусурмон Номозов томонидан унинг ижодига бағишлаб ёзилган «Юлдузлар шамоли» ва ўзининг ёш хонандалар учун қўланма сифатида чоп эттирган «Бахшиёна» китобини тақдим этди.

17 апрель куни «Akademnashr» нашриётида чоп этилган Баҳодир Каримовнинг «Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур», Баҳодир Нурмуҳаммаднинг «Одам» ва Бахтиёр Абдуғафурнинг «Оламлар кураши» китоблари тақдимоти бўлиб ўтди. «Akademnashr» нашриёти Бош директори Санжар Назаров йиғилганларни чоп этилаётган янги китоблар, нашриёт билан ҳамкорлик қилаётган ёзувчи ва шоирлар ҳамда нашриётнинг истиқболдаги режалари билан таништирди. Тадбирда адабиётшунос олимлар, адиблар, ноширлар ва коллеж ўқувчилари қатнашдилар. Учрашув кўтаринки руҳда ўтди.

28 апрель куни «Жаҳон адабиёти дурдоналари» китоби тақдимоти бўлиб ўтди. Йиғилганлар мазкур тўпламнинг яратилиши тамо-

7 апрель куни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, режиссёр Маҳкам Муҳаммедов билан «Ўзбек миллий сериали. Ижодий изланишлар ва муаммолар» мавзусида ижодий учрашув бўлиб ўтди

8 апрель куни буюк саркарда Соҳибқирон Амир Темур таваллудига бағишланган «Соҳибқирон» номли учрашув бўлиб ўтди

ARI ROLAND JAZZ  
 QUARTET гуруҳи  
 бадиий раҳбари  
 Ари Роланд  
 йигилганларга  
 гуруҳнинг  
 шаклланиши тарихи,  
 мусиқачиларнинг  
 мусиқий салоҳияти,  
 джаз-гуруҳи  
 муваффақият  
 билан иштирок  
 этган концертлар  
 ва фестиваллар  
 ҳақида сўзлаб  
 берди



йиллари, таржималар ўзбек тилига таржима қилинганлигини, даврий нашрларда босилганлиги, аммо алоҳида китоб ҳолатида нашр этилмагани ҳақида гапириб ўтдилар.

29 апрель куни ўзбек-украина дўстлигига бағишланган кеча ва миллий-маданий марказлар ижросида концерт бўлиб ўтди. Кечада украин шоирларининг шеърлари, ўзбек ва украин композиторларининг куй-қўшиқлари, романслар ва операларидан ариялар янгради. Жозибадор ва қувноқ рақслар эса, кечани унутилмас таассуротлар билан бойитди.

#### Май

9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан «Ўтганлар ёди бу...» деб номланган давра суҳбати бўлиб ўтди

4 май куни халқаро ЮНИСЕФ фотосуратчиси Джакомо Пироццининг фотоҳаваскорлар учун маҳорат дарслари бўлиб ўтди. Ўқувчи ёшларлардан иборат фотоҳаваскорлар иштирок этган мазкур маҳорат дарслари болаларни ижодий фикрлашга, ўзини акс эттиришга ва уларда қобилиятни ривожлантиришга йўналтирилган. Маҳорат дарси қатнашчилари ёрқин таассурот олдилар ва фотосуратга олиш сирларини ўрганганликларидан мамнун бўлдилар.

4 май куни яна бир тадбир Ўзбекистоннинг тарихий ва маданий бойлиги саналмиш, Темурийлар даври ёдгордиклари, меъморий обидалар аҳамиятини, уларнинг шу сулолага



дахлдорлигини ва сақланганлигини ўрганиш масалаларига бағишланган «Амир Темури ва Темурийлар даври архитектураси» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Ушбу мавзунинг ўрганишнинг долзарблиги ҳақида гапирар экан, сўзга чиққанлар XIV аср охири – XV аср бошларини ўз ичига олувчи Темурийлар даврининг бой архитектурасини тарихий маълумотлар орқали илмий ўрганишнинг муҳимлигини қайд этдилар.

6 май куни Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан «Ўтганлар ёди бу...» деб номланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда қатнашчилар ўтганларнинг хотираси, уларнинг хайрли ишларини, жасоратини ёдга олмоқ, эъозламоқ халқимизга хос эзгу фазилатларданлигини эътироф этган ҳолда Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиб, уларнинг жасоратларини тилга олдилар. Шунингдек, ёшларга юртимизда ҳукм сураётган, энг катта бойлигимиз бўлмиш тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, миллатлараро тоғувликда яшашнинг қадрига етишга даъват этдилар.

7 май куни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, таниқли сиёсий шарҳловчи Турсун Қоратоевнинг ижодий кечаси бўлиб ўтди. Сўзга чиққанлар Турсун Қоратоевнинг Ўзбекистонда телевизион журналистика, хусусан,





халқаро журналистиканинг ривожига, шунингдек, телевидениеда публицистика ва халқаро шарҳловчилик соҳасида юқори малакали кадрларни тайёрлашга қўшган хиссасини алоҳида таъкидладилар. Тадбирда Турсун Қоратоевнинг ҳамкасб дўстлари ва шогирдларининг устоз тажрибаси тўғрисида дил изҳорларидан ташкил топган «Яхшилик фалсафаси» китобининг тақдими бўлиб ўтди.

12 май куни Шарқнинг буюк мутафаккири, олим Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий таваллудининг 1235 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Конференция табиий фанлар негизини ташкил этувчи алгебра, тригонометрия, геометрия ва арифметикаларга асос солган ал-Хоразмий илмий ишларининг моҳиятига бағишланган бўлиб, унда астрономия, математика ва географияга оид 20 дан зиёд илмий ишлар ёзган шарқнинг буюк мутафаккири, олим Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг ҳаёти, ижоди ва инсонпарварлик ғояларини тадқиқ этаётган олимлар ҳамда тадқиқотчилар сўзга чиқдилар.

15 май куни Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ва Термиз давлат университети ҳамкорликда ташкил этган ёзувчи, драматург ва сценарист Эркин Аъзамнинг ижодига бағишланган «Эркин

Аъзам бадиий олами» номли китобнинг тақдими бўлиб ўтди. Филология фанлари номзодлари М. Қўчқоров ва О. Шофиевлар томонидан тақдим этилган ушбу китобда Эркин Аъзам феноменини ўрганган тадқиқотчиларнинг турли йилларда ва турли нашрларда чоп этилган илмий ишлари, мақолалар ва эсселари жамланган. Жамланмага, шунингдек, ёзувчининг журналистлар билан қилган турли газета, журнал ва кўрсатувлардаги суҳбатлари ҳам киритилган.

20 май куни тарих фанлари доктори, профессор Аҳмадали Асқаровнинг «Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи» китоби тақдими бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар муаллиф ишининг моҳиятини, мақсад ва вазифаларини алоҳида таъкидлаб, унинг баркамол авлод тарбиясида, уларда маданий меросга эгаллик ва келажак авлодга етказиш ҳиссини тарбиялашда тутган ўрни ҳақида гапирдилар. Мазкур китоб илмий тадқиқот институтлари илмий ходимлари, этнография, тилшунослик, Ўзбекистон тарихини ўрганаётган талабалар ва профессор-ўқитувчилар, ҳамда Ўзбекистон этноси тарихига қизиқувчилар учун мўлжалланган.

21 май куни Ўзбекистон халқ рассоми Алишер Мирзонинг «Каллахоналик йигитча» деб номланган романи тақдими бўлиб ўтди. Ижодкор «Каллахоналик йигитча» романида

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, таниқли сиёсий шарҳловчи Турсун Қоратоевнинг ижодий кечасида сўзга чиққанлар унинг юртимизда телевизион ва халқаро журналистиканинг ривожига қўшган хиссасини алоҳида таъкидладилар

20 май куни тарих фанлари доктори, профессор Аҳмадали Асқаровнинг «Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи» китоби тақдими бўлиб ўтди





Абу Абдуллох  
Муҳаммад ибн  
Мусо ал-Хоразмий  
таваллудининг  
1235 йиллигига  
бағишланган илмий-  
амалий анжуман  
бўлиб ўтди

қишлоқ ҳаётини, инсонлар самимиятини, гўзаллик дунёсида яшаётган инсон қарашлари билан кўриб, ҳайрат, муҳаббат каби ҳисларни маҳорат билан тасвирлаган ва романнинг табиийлигини таъминлаган. Алишер Мирзо «Қаллахоналик йигитча» асарида ўзининг мусаввир, ўқитувчи ва инсон сифатида шаклланиш жараёнини тасвирлаган.

22 май куни бошқирд миллий-маданий маркази қошида ташкил этилган «Агидель» клубининг 5 йиллигига бағишланган адабий-музика кеча бўлиб ўтди. Тадбирда Республика байналмилал маданият маркази, рус, украин, яҳудий, қозоқ, татар, озарбайжон, туркман ва тожик миллий-маданий марказлари вакиллари, тадбир меҳмонлари ва кутубхона фойдаланувчилари иштирок этдилар. Унда миллий-маданий марказлар вакиллари мусиқий табриклари янгради. Тадбир сўнгида «Агидель» клуби аъзолари меҳмонларга миллий таомларни тортиқ этдилар. Шунингдек, кутубхона фойесидида халқ хўнарамандчилиги намуналари, сувенирлар, китоблар ва «Агидель» клуби фаолияти ҳақида хикоя қилувчи кўргазмалар ҳам ўрин олди.

25 май куни истеъдодли адиба Маъсума Аҳмедованиннг янги «Жўнатилмаган мактуб» китобининг тақдими бўлиб ўтди. Китобга адибаниннг турли йилларда ёзилган қисса ва хикоялари киритилган. Тақдимотда ёзувчи-

лар, шоирлар, адабиётшунос олимлар, журналистлар, актёрлар, адибаниннг устоз ва шогирдлари ва кутубхона фойдаланувчилари иштирок этдилар. Тақдимотда китобхонлар «Мангу куй» қиссаси, «Оддий хикоя», «Уйга қайтиш», «Ёмғирда», «Йўлда», «Жўнатилмаган мактуб» хикоялари бўйича ўз таассуротлари билан ўртоқлашдилар ва ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

25 май куни бард кўшиқлари ижрочиси Геннадий Арефьев билан ижодий-музика учрашув ва унинг янги музика альбому тақдими бўлиб ўтди. Кечада тақдим этилган музика композициялар севги-муҳаббатни тараннум этувчи романтик, хотиралар билан йўғрилган ғамгин ва тингловчи юзига табассум улашувчи, ҳаётинг мауммоларга кулиб назар ташлашга ундовчи кувноқ кўшиқлар С. Демидова, О. Бордовский ва А. Кирдяновлар қаламига мансуб. Геннадий Арефьев ижоди ихлосмандлари севимли ижодкорига миннатдорчилик билдирдилар ва ижодий зафарлар тилаб қолдилар.

26 май куни Ўзбекистон Миллий кутубхонаси қошида фаолият юритаётган чет тилларни ривожлантириш ва тарғиб этиш маркази – «Your School» инглиз тили сўзлашув клуби аъзоларининг «Ўзбекистонда таълим» мавзусида баҳс-мунозараси бўлиб ўтди. Мунозара давомида қатнашчилар Ўзбекистонда таъ-

Ёзувчи, драматург  
ва сценарист  
Эркин Аъзамнинг  
ижодига  
бағишланган  
«Эркин Аъзам  
бадий олами»  
китобининг  
тақдими бўлиб  
ўтди



Ўзбекистон  
халқ рассоми  
Алишер Мирзонинг  
«Қаллахоналик  
йигитча» романи  
тақдими бўлиб  
ўтди



Истеъдодли адиба Маъсума Аҳмедованинг янги «Жўнатилмаган мактуб» китобининг тақдироти бўлиб ўтди

лим соҳасида шаклланган самарали моделнинг хорижий экспертлар томонидан юксак баҳоланганини, бу борада тўпланган тажрибаларни бошқа мамлакатлар учун намуна сифатида тавсия этишаётганини эътироф этдилар. Тадбир давомида «Ўзбекистонда таълим» мавзусида ҳужжатли фильм намойиши бўлиб ўтди.

27 май куни Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Akademnashr» нашриётида чоп этилган Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари тақдироти бўлиб ўтди. Китоб илк бор тўлалигича ҳозирги ўзбек тилига сиёсий фанлари доктори Фазлиддин Равшанов томонидан таржима қилинди. Тақдиротда сўзга чиққанлар асарнинг инсоний фазилатларни шакллантиришдаги роли, шу фазилатларни тўлалигича етказиб бера олган Фазлиддин Равшановнинг таржимонлик маҳоратига алоҳида урғу бердилар. «Қутадғу билиг» асари тўлақонли мукамал асар ҳисобланади. Асарда одамларнинг юксаклик даражаси, улар ўртасидаги муносабат маданияти, ёшлар тарбиясидаги маънавият тушунчаларини шакллантиришнинг аҳамияти мужассам.

28 май куни таниқли адиб, шоир, драматург Эркин Самандар таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан «Мен шу эл фарзандиман» мавзусида адабий-бадий кеча бўлиб ўтди. Тадбирда адибнинг яхши одамлар, гў-

зал табиат, инсоний муҳаббат, севги ва вафо, меҳнат ва ҳаёт ташвишлари, армонлару гумонлар, қисқаси, чуқур маънавият илдиэларини очишга ҳаракат қилган шеърий тўпламлари, ҳикоя, таржима ва драмаларидан иборат китоб кўргазмаси ташкил этилди. Адабий кеча қатнашчилари бу ерда адибнинг ижодини ёритган турли публицистик очерклар билан ҳам танишдилар. Ҳофизлар эса, шоир қаламига мансуб шеърларга басталанган кўшиқларни ижро этдилар.

#### Июнь

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди.

Куннинг биринчи ярмида, тадбир доирасида америкалик болалар ёзувчиси Лара Сноу Уиттоннинг «Раққоса Айиқхон» эртақ китоби тақдироти бўлиб ўтди. Китобда ҳикоя қилинган воқеаларга расмлар ҳамюртимиз, rassom Жавлон Усмонов томонидан ишланган. Тақдиротда АҚШнинг Ўзбекистондаги мухтор элчиси Памела Леора Спратлин, элчихона вакиллари, Тошкент шаҳри мактабларининг 1-2 синф ўқувчилари ва кутубхона фойдаланувчилари иштирок этдилар.

Куннинг иккинчи ярмидаги тадбирда эса, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси кўнгиллилари томонидан Шайхонтоҳур ва Юнусобод тумани мактабларининг 4-5 синф ўқувчилари ▶

«Қутадғу билиг» китоби илк бор тўлалигича ҳозирги ўзбек тилига сиёсий фанлари доктори Фазлиддин Равшанов томонидан таржима қилинди



Ўзбекистон  
Қаҳрамони,  
Ўзбекистон  
халқ ёзувчиси  
Саид Аҳмад  
таваллудининг  
95 йиллигига  
бағишланган  
тадбир  
бўлиб ўтди



учун «Станциялар» ўйини ташкил этилди. Кутубхона фойесида намойиш этилган театрлаштирилган томошадан сўнг ўқувчилар 10 кишилик 3та гуруҳга бўлиндилар ва математик, географик ва мантикий саволлар, ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги сўз ўйини ва кроссвордлар каби вазифалар тайёрланган «Интеллектуал», «Тиллар» ва «Ижодий» станциялар бўйлаб топшириқларни бажардилар. Кўнгилчилар эса, болаларга қўл остидаги предметлардан дўстларга ва яқинларига эсдалик совғалари яшашни ўргатдилар. Станциялардаги топшириқларни бажариб бўлгач, болажонлар учун кутубхона фойесида музика рақс дастури ташкил этилди. Ўзбекистон Миллий кутубхонасига ташриф буюрган барча болажонлар совға тариқасида севимли эртаклари ёзилган аудио китобларни олдилар.

10 июнь кунини Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад таваллудининг 95 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тадбир бошида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг ижод йўли ҳақида ҳикоя қилувчи «Саид Аҳмад» номли фильмдан парча намойиш этилди. Хотира кечасида Ёзувчининг она халқига садоқати ва ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига қўшган ҳиссаси, унинг давлатимиз томонидан муносиб баҳолалиб давлат мукофотлари билан

тақдирланганлигига алоҳида урғу берилди.

19 июнь кунини Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тошпўлат Маткаримов ва «Қурама» фольклор-этнографик ансамблининг «Қурама оҳанглари» номли фото, аудио ва видео-альбомлари тақдироти бўлиб ўтди. «Қурама» фольклор-этнографик ансамбли қатнашчилари ўз репертуаридан ўрин олган халқ кўшиқларидан ижро этгач, тадбир меҳмонлари – фольклоршунос олимлар, санъатшунослар, адиблар, композиторлар ансамбль ижодига доир ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар, иштирокчиларни қутлаб, ижодий муваффақият тиладилар.

#### Июль

29 июль кунини ўз сафида уч юздан зиёд рассомлик, дизайн, миллий хунармандчилик, амалий безак, нотиклик, музика санъати, журналистика ва адабиёт соҳаларида қобилиятли ёшларни жамлаган «Юксак маънавиятли авлод» ёшлар ижодий фестивалининг республика босқичи бўлиб ўтди. Фестивалда 326 иштирокчи «Ўз асарида миллийликни акс эттирган рассом», «Энг иқтидорли хунарманд», «Ўз асарида миллийликни акс эттирган дизайнер», «Мустақиллик тарихи билимдони», «Юксак маънавиятли авлод (Ватан куйчиси)», «Бадий ижод (назм, наср, журна-

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган тадбирлар доирасида америкалик болалар ёзувчиси Лара Сноу Уиттоннинг «Раққоса Айиқхон» эртақ китоби тақдироти бўлиб ўтди





листика)», «Президент асарлари билимдони» каби 8 та номинация бўйича ўз иқтидорларини синаб кўрдилар. Миллий кутубхона фойе-сида ёш рассомлар, дизайнерлар, амалий санъат усталари асарлари ўрин олди. Улар ўз санъати намуналари – мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятининг ўзига хослигини акс эттирган каштачилик, зардўзлик, сопол наққошлиги, қўғирчоқлар, миллий матолардан замонавий урфда тикилган кийимлар, ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик ва кандакорлик санъати намуналарини тақдим этдилар. Фестивалнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, иштирокчилар шу ернинг ўзида маҳорат дарслари бер-

дилар ва ҳайъат аъзоларининг топшириқларини бажардилар. Кутубхонанинг ўқиш заларида эса, «Мустақиллик тарихи билимдони» ва «Президент асарлари билимдони» танловлари иштирокчилари билан суҳбатлар бўлиб ўтди. Шунингдек, иштирокчилар ўз ихтироларини, шеърлари, ҳикоялари ва мақолаларини тақдим этишди. Ёш хонандалар кўрик-танловида эса, уларнинг она юртни мадҳ этувчи, маҳаллий шоирлар, композиторлар томонидан ёзилган ва басталанган кўшиқлар тингланди.

29 июль куни  
уч юздан зиёд  
рассомлик, дизайн,  
миллий  
хунармандчилик,  
амалий безак,  
нотиклик, мусиқа  
санъати,  
журналистика ва  
адабиёт  
соҳаларида  
қобилиятли ёшларни  
жамлаган «Юксак  
маънавиятли авлод»  
ёшлар ижодий  
фестивалининг  
республика босқичи  
бўлиб ўтди

*В данной статье рассказывается о социокультурных мероприятиях, проведённых во втором квартале 2015 года. Это:*

- творческие встречи: с художником Хусаном Содиковым; с заслуженным деятелем культуры, режиссёром Махмом Махаматовым; с музыкантами джазовой группы «ARI ROLAND JAZZ QUARTET»; с народным артистом Узбекистана и Каракалпакстана Махмудом Номозовым; с заслуженным журналистом Узбекистана Турсуном Каратаевым; с писателем, драматургом и сценаристом Эркином Аъзамом; с поэтом, писателем и драматургом Эркином Самандаром; с исполнителем бардовских песен Геннадием Арефьевым;

- вечера, посвящённые памяти Заслуженного деятеля науки Узбекистана, д.ф.н. академика Омониллы Файзуллаева; Народного писателя Узбекистана, Героя Узбекистана Саида Ахмада; посвящённые 9 мая – дню Памяти и почестей; мастер-класс по фотографии для детей от международного фотографа ЮНИСЕФ Джасома Пироцци;

- презентации книг: «Учение Маварди о государственности Востока (X – XI вв.)» Зиёвуддина Жураева; «Абдулла Кодир ва герменевтик тафаккур» («Абдулла Кадыри и герменевтическое мышление») Баходира Каримова; «Одам» («Человек») Баходира Нурмухаммада; «Оламлар кураши» («Борьба миров») Бахтиёра Абдугафура; «Жаҳон адабиёти дурдоналари» («Жемчужины мировой литературы»); «Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи» («История происхождения узбекского народа») Ахмадали Аскарлова; «Каллахо-налик йигитча» Алишера Мирзо; «Жўнатилмаган мактуб» («Неотосланное письмо») писательницы Маъсумы Ахмедовой; «Кутадеу билиг» Юсуфа Хос Ходжиба;

- презентация фильмов: «Агар, сен хак булсанг» Дониёра Шакирова; «Феномен узбекской модели» Петра Ройкаса; видео-, фото- и аудио альбома «Курама оханглари» заслуженного артиста Узбекистана Тошпулата Маткаримова и фольклорно-этнографического ансамбля «Курама»;

- беседы за круглым столом «Сохибкиран» в честь празднования дня рождения государственного деятеля и великого полководца Амира Тимура, конференция, посвящённая 1235 – летию великого мыслителя востока Абу Абдуллоха Мухаммада ибн Мусо Аль-Хорезми; семинар на тему: «Архитектура времён Амира Темура и Темуридов», посвящённый исследованию сохранности памятников архитектуры;

- конкурсы и викторины, посвящённые Международному дню защиты детей. ■